

ҳокимлеклари билан биргаликда ишлаб чиқилган Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жойлар қурилиши бўйича 2015 йил дастури маъқулланганлиги, унда:

1-иловага мувофиқ 2015 йилда қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича «калити билан топшириш» шарти асосида 1019 та якка тартибдаги уй-жойлар қуришнинг;

2-иловага мувофиқ 2016 йилда намунавий лойиҳалар бўйича уй-жойлар барпо этиш юзасидан қурилиш ишларига тайёгарлик қўришнинг асосий параметрлари;

3-иловага мувофиқ 2016 йилда бўлажак қурилиш ишларининг кўламлари кенгайишини ҳисобга олган ҳолда қурилиш индустрияси корхоналарининг амалдаги қувватларини ошириш ҳамда ихтисослаштирилган қўшимча қурилиш ташкилотларини барпо этиш чоратадбирлари тасдиқлаганлиги;

2017 йил 1 январгача:

ёрдамчи пудрат ташкилотлари - “тайёр ҳолда топшириш” шарти билан қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жойлар қурилиши доирасида “Қишлоқ қурилиш инвест” инжиниеринг компанияси билан шартномалар тузган пудрат ташкилотлари билан шартнома асосида ўзлари бажарадиган ишлар ҳажми бўйича ягона солик тўлови тўлашдан;

қурилиш материаллари ва ускунлари ишлаб чиқарувчи корхоналар - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхат асосида Дастур доирасида “Қишлоқ қурилиш инвест” ИК МЧЖга сотиладиган қурилиш материаллари ва ускуналари ҳажми бўйича қўшилган қиймат солиғи тўлашдан, давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалардан ва ягона солик тўловидан озод этилганлиги;

қишлоқ жойларда тасдиқланган намунавий лойиҳалар асосида якка тартибдаги уй-жой қурилиши учун жисмоний шахсларга бериладиган ипотека кредитларининг имтиёзли даврини бир йилдан уч йилга оширилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Вилоят ҳокимининг ўринбосари С.Зокиров, Архитектура ва қурилиш бошқармаси (Махкамов), “Қишлоққурилиш инвест” ИК вилоят филиали (Абдуллаев), ОАТБ “Қишлоққурилишбанк” вилоят филиали (Сайдалиев), Фарғона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш худудий консалтинг маркази (Иргашев), “Водийгазтаъминот” УК (Эргашев), электр тармоқлари корхонаси (Баратов), “Ягона буюртмачи хизмати” ИК (Ҳақиқов) туман ҳокимлеклари билан биргаликда:

**20 кун муддатда** 2015 йилда намунавий лойиҳалар асосида қишлоқ жойларда якка тартибдаги уй-жойларни «қалити билан топшириш» шарти бўйича қурилишини амалга ошириш учун пудрат ташкилотларини аниқлаш танлов савдолари ўтказилишини;

**20 кун муддатда** ўтказилган танлов савдолари натижаларига мувофиқ 2015 йилда намунавий лойиҳалар асосида якка тартибдаги уй-жойларни «қалити билан топшириш» шарти билан қуриш учун буюртмачи ва пудрат ташкилотлари ўртасида шартномалар тузилишини;

1-иловада маъқулланган параметрларга мувофиқ якка тартибдаги қишлоқ уй-жой массивларида уй-жойлар, ижтимоий ва бозор инфратузилмаси обьектлари, транспорт коммуникациялари ҳамда ташқи муҳандислик тармоқлари қурилишини ташкил этишни таъминласинлар.

4. Туман ҳокимликлари, «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК (Абдуллаев), манфаатдор тиҷорат банклари, вилоят телерадиокомпанияси (Муминов), “Фарона хақиқати”, “Ферганская правда” рӯзномалари (Собиров) билан биргаликда қишлоқ қиёфасини тубдан яхшилаш, қишлоқ аҳолисининг турмуш даражаси ва сифатини оширишга йўналтирилган намунавий лойиҳалар асосида қишлоқ жойларда уй-жой қурилишини ривожлантириш борасида кўрилаётган чора-тадбирларни кенг ёритиш бўйича телекўрсатувлар туркумини ҳамда мақолалар чоп этилишини ташкил қилиш тавсия этилсин.

5. Вилоят ҳокимининг айрим қарорларига 4-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Вилоят ҳокими

Ш.Фаниев,

Вилоят ҳокимининг  
2015 йил "\_\_\_" январдаги  
—сонли қарорига  
1-илюва

**Фарғона вилоятида 2015 йилда қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича уй-жойлар қурилиши  
ДАСТУРИ**

| №           | Туманлар номи | Массив-лар сони | Ажратил-ган ер майдони, га | Намунавий уй-жойлар |                     | Ташқи мухандислик ва транспорт коммуникация объектлари |                                   |                                |                              | Ижтимоий ва бозор инфратузилма объектлари сони |
|-------------|---------------|-----------------|----------------------------|---------------------|---------------------|--|-----------------------------------|--------------------------------|------------------------------|--|
|             |               |                 |                            | Уй-жойлар сони      | майдони, минг кв.м. | ичимлик сувитаъминоти тармоқлари, км.                  | Электр таъми-ноти тармоқлари, км. | Газ таъми-ноти тармоқлари, км. | Автомобил кириш йўллари, км. |  |
| 1           | Бешариқ       | 2               | 5,64                       | 55                  | 7,3                 | 2,2  | 0,7                               | с. г.                          | 1,84                         |  |
| 2           | Боғдод        | 3               | 3,4                        | 44                  | 5,9                 | 1,5  | 0,7                               | с. г.                          | 1,47                         |  |
| 3           | Бувайда       | 3               | 3,45                       | 35                  | 4,7                 | 2,3  | 0,9                               | с. г.                          | 1,24                         | 1  |
| 4           | Данғара       | 1               | 4                          | 50                  | 6,7                 | 1,42   | 1,1                               | 1,5                            | 0,88                         |  |
| 5           | Ёзёвон        | 1               | 2,1                        | 20                  | 2,7                 | 0,81   | 0,7                               | 0,65                           | 0,59                         | 3  |
| 6           | Құва          | 3               | 3,25                       | 35                  | 4,7                 | 1,7  | 0,7                               | с. г.                          | 1,17                         | 2  |
| 7           | Олтиариқ      | 4               | 4,85                       | 50                  | 6,7                 | 2,8  | 0,9                               | 0,59/с.г.                      | 1,69                         |  |
| 8           | Қўштепа       | 3               | 3,78                       | 42                  | 5,6                 | 1,26   | 1,2                               | с. г.                          | 3,01                         | 1  |
| 9           | Риштон        | 3               | 4,49                       | 45                  | 6,0                 | 1,91   | 0,6                               | 1,73                           | 3,56                         | 2  |
| 10          | Тошлоқ        | 1               | 5                          | 55                  | 7,3                 | 1,85   | 1,1                               | 1,53                           | 1,12                         |  |
| 11          | Ўзбекистон    | 1               | 4,8                        | 60                  | 8,0                 | 1,9  | 1,5                               | 1,55                           | 2,02                         | 2  |
| 12          | Учкўприк      | 1               | 5                          | 50                  | 6,7                 | 1,11   | 0,9                               | 1,45                           | 0,86                         |  |
| 13          | Фарғона       | 3               | 35,2                       | 440                 | 58,6                | 15   | 9,8                               | 11,4                           | 14,27                        | 7  |
| 14          | Фурқат        | 1               | 2,62                       | 38                  | 5,1                 | 1,63   | 1,2                               | 1,06                           | 1,05                         |  |
| <b>ЖАМИ</b> |               | <b>30</b>       | <b>87,58</b>               | <b>1019</b>         | <b>135,7</b>        | <b>37,39</b>   | <b>22</b>                         | <b>21,46</b>                   | <b>34,77</b>                 | <b>18</b>                                      |

Изоҳ:

- Параметрлар лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилиши ва уйғунлаштирилиши натижаларига қараб белгиланган тартибда тўғирлаб ўзгартирилади
- Ичимлик суви, газ, электр тармоқлари ва автомобил кириш йўллари қурилишини молиялаштириш Республика бюджети, "Узтрансгаз" АК ва "Узбекэнерго" ДАК маблағлари хисобидан амалга оширилади.

Вилоят ҳокимининг  
2015 йил "\_\_\_" январдаги  
—сонли қарорига  
2-илова

**2016 йилда намунавий лойиҳалар бўйича уй-жойлар барпо этиш  
юзасидан қурилиш ишларига тайёгарлик қўришнинг  
АСОСИЙ ПАРАМЕТРЛАРИ**

| № | Параметрларнинг номланиши                                   | Ўлчам бирлиги | Микдори* |
|---|---|---------------|----------|
| 1 | Массивлар сони  | дона          | 33       |
| 2 | Ер участкалари майдони                                      | га            | 95       |
| 3 | Қуриладиган намунавий уй-жойлар<br>уй-жойлар сони           | дона          | 1100     |
| 4 | Ташқи мухандислик ва транспорт<br>коммуникация объектлари** |               |          |
|   | Ичимлик суви таъминоти тармоқлари                           | км            | 40,3     |
|   | Электр таъминоти тармоқлари                                 | км            | 23,8     |
|   | Газ таъминоти тармоқлари                                    | км            | 23,1     |
|   | Автомобил кириш йўллари                                     | км            | 37,5     |
| 5 | Ижтимоий ва бозор инфратузилма<br>объектлари сони - жами:   | дона          | 19       |
|   | <b>Шундан:</b>  |               |          |
|   | Гузарлар  | дона          | 3        |
|   | Савдо мажмуалари  | дона          | 4        |
|   | Бозорчалар  | дона          | 2        |
|   | Нонвойхоналар   | дона          | 5        |
|   | Маишӣ хизмат кўрсатиш мажмуалари                            | дона          | 3        |
|   | Мини банклар  | дона          | 2        |

\* Параметрлар лойиҳа-смета хужжатлари ишлаб чиқилиши ва уйғунлаштирилиши натижаларига қараб белгиланган тартибда тўғирлаб ўзгартирилади

\*\*Ичимлик суви, газ, электр тармоқлари ва автомобил кириш йўллари қурилишини молиялаштириш Республика бюджети, "Узтрансгаз" АК ва "Узбекэнерго" ДАК маблағлари хисобидан амалга оширилади.

Вилоят ҳокимининг  
2015 йил "\_\_\_" январдаги  
—сонли қарорига  
З-илова

2016 йилда бўлажак қурилиш ишларининг кўламлари кенгайишини ҳисобга олган ҳолда қурилиш индустрияси  
корхоналарининг амалдаги қувватларини ошириш ҳамда ихтисослаштирилган қўшимча қурилиш ташкилотларини  
барпо этиш бўйича  
АСОСИЙ ПАРАМЕТРЛАРИ

| №  | Туманлар номи | Қўшимча ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш: |             |                                  |          |                                       |          |  |           | Қўшимча қурилиш ташкилотларини ташкил этиш, дона |          |
|----|---------------|---|-------------|----------------------------------|----------|---------------------------------------|----------|--|-----------|--|----------|
|    |               | деворпоб материаллар минг.дона                  |             | Ойна ва эшик блоклар минг кв. м. |          | қуруқ қурилиш қоришмалари, минг тонна |          | номаъдан қурилиш материаллари, минг м3 |           |  |          |
|    |               | 2015 йил  | 2016 йил    | 2015 йил                         | 2016 йил | 2015 йил                              | 2016 йил | 2015 йил                               | 2016 йил  | 2015 йил   | 2016 йил |
|    | <b>ЖАМИ</b>   | <b>2000</b>                                     | <b>3000</b> | <b>10</b>                        | <b>5</b> | <b>1,5</b>                            | <b>1</b> | <b>0</b>                               | <b>10</b> | <b>4</b>   | <b>3</b> |
| 1  | Бешарик       | 200   | 250         | 0,5                              | 0,2      |                                       |          |  |           | 0,7  |          |
| 2  | Боғдод        | 150   | 250         | 0,6                              | 0,3      |                                       |          |  |           | 0,8  | 1        |
| 3  | Бувайда       | 250   | 300         | 0,6                              | 0,3      |                                       |          |  |           |  |          |
| 4  | Данғара       | 150   | 250         | 0,7                              | 0,4      |                                       |          |  |           |  |          |
| 5  | Ёзёвон        | 100   | 200         | 0,5                              | 0,2      |                                       |          |  |           | 0,5  |          |
| 6  | Құва          | 150   | 200         | 0,9                              | 0,5      |                                       |          |  |           | 1  |          |
| 7  | Олтиариқ      | 150   | 200         | 0,8                              | 0,4      |                                       |          |  |           | 1,3  | 1        |
| 8  | Қўштепа       |   |             | 0,7                              | 0,3      |                                       |          |  |           |  |          |
| 9  | Риштон        | 150   | 200         | 0,9                              | 0,5      |                                       |          |  |           | 0,5  | 1        |
| 10 | Тошлоқ        | 100   | 150         | 0,7                              | 0,3      |                                       |          |  |           | 1  |          |
| 11 | Ўзбекистон    | 200   | 250         | 0,8                              | 0,4      | 1,2                                   | 0,8      |  |           | 1  | 1        |
| 12 | Учқўприк      | 150   | 250         | 0,7                              | 0,3      |                                       |          |  |           | 1,2  |          |
| 13 | Фарғона       | 150   | 300         | 0,9                              | 0,5      | 0,3                                   | 0,2      |  |           | 2  | 1        |
| 14 | Фурқат        | 100   | 200         | 0,7                              | 0,4      |                                       |          |  |           |  |          |

Вилоят ҳокимининг  
2015 йил “\_\_\_” январдаги  
—сонли қарорига  
4-илова

### **Вилоят ҳокимининг айрим қарорлариға киритиладиган ұзгартыришлар**

1. Вилоят ҳокимининг 2013 йил 12 январдаги “Узбекистон Республикаси Президентининг 04.01.2013 йил ПҚ-1902-сонли “Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жойлар қурилишининг 2013 йил Дастури тўғрисида”ги қарори ҳақида”ги 11-сонли қарорида:

- а) 2-банднинг иккинчи хатбошисидаги “1, 1а ва 16-иловаларга” сўzlари 1-иловага сўzlари билан алмаштирилсин;
- б) 1, 1а ва 16-иловалари қўйидаги мазмундаги 1-илова билан алмаштирилсин;

Вилоят ҳокимининг 2013 йил  
12 январдаги 11-сонли  
қарорига 1- илова

### **2013 йилда тайёр ҳолда топшириш шартларида қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жой қурилишининг асосий параметрлари**

| №  | Туманлар номи | Массивлар сони | Ер массивларининг умумий майдони (га) | Уйлар сони |
|----|---------------|----------------|---------------------------------------|------------|
| 1  | Бешарик       | 2              | 4,1                                   | 53         |
| 2  | Боғод         | 1              | 2,2                                   | 40         |
| 3  | Бувайда       | 1              | 3,0                                   | 35         |
| 4  | Данғара       | 2              | 4,0                                   | 30         |
| 5  | Ёзёвон        | 2              | 2,1                                   | 20         |
| 6  | Қува          | 2              | 4,0                                   | 35         |
| 7  | Олтиариқ      | 5              | 8,3                                   | 100        |
| 8  | Қўштепа       | 1              | 4,5                                   | 50         |
| 9  | Риштон        | 3              | 8,0                                   | 55         |
| 10 | Тошлоқ        | 2              | 4,5                                   | 50         |
| 11 | Ўзбекистон    | 2              | 4,8                                   | 110        |
| 12 | Учқўприқ      | 1              | 5,0                                   | 100        |
| 13 | Фарғона       | 3              | 11,2                                  | 142        |
| 14 | Фурқат        | 1              | 3,0                                   | 30         |
|    | <b>Жами</b>   | <b>28</b>      | <b>68,7</b>                           | <b>850</b> |

*\*) Параметрлар лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилиши ва уйғунлаштирилиши натижаларига қараб белгиланган тартибда тўғирлаб ұзгартырилади”.*



2015 yil "12" январь № 28

Farg'ona shahri

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил  
7 январдаги ПҚ-2282-сонли "2015 йилда Қишлоқ жойларда  
намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жой қурилиши  
дастури ва 2016 йилги қурилишнинг асосий параметрлари  
тўғрисида"ги қарори ҳақида**

Қишлоқ аҳоли пунктларининг архитектура-режалаштириш қиёфасини янада яхшилаш, намунавий лойиҳалар асосида якка тартибдаги уй-жой қурилиши кўламини кенгайтириш, қишлоқ жойларда транспорт ва муҳандислик коммуникацияларини, ижтимоий ва бозор инфратузилмаси обьектларини жадал ривожлантириш ҳисобига қишлоқ аҳолисининг турмуш даражаси ва сифатини ошириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 7 январдаги ПҚ-2282-сонли "2015 йилда Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жой қурилиши дастури ва 2016 йилги қурилишнинг асосий параметрлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида:

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 7 январдаги ПҚ-2282-сонли "2015 йилда Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жой қурилиши дастури ва 2016 йилги қурилишнинг асосий параметрлари тўғрисида"ги қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Ушбу қарор билан:

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, «Давархитектқурилиш» қўмитаси, «Қишлоқ қурилиш банк» ОАТБ, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, «Ипотека банк» АТИБ ва «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компанияси томонидан вилоятлар